

МАТН - ЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛ ОБЪЕКТИ

А. Яхшиев ¹

Аннотация:

Ушбу мақолада тилшуносликда матн таҳлил объекти сифатида кўриб чиқилади. Матннинг оғзаки ва ёзма шакллари стилистик нуқтаи назардан илмий асосланади. Етакчи тилшунос олимларнинг матн ҳақидаги фикрлари баён этилади. Матн ҳосил бўлишининг шарт-шароитлари ўрганилади.

Калит сўзлар: матн, нутқ, оғзаки нутқ, нутқий фаолият, нутқий акт, ахборот, семиотика, семасиология, ёзма нутқ, лингвостилистика, адресат, адресант, референт

doi: <https://doi.org/10.2024/wrew4q63>

Айни пайтда нутқ фаолияти назариясида матн асосий ўринни эгаллайди. Бир пайтлар, матнни тузиш ва истеъмолда бўлиш таҳлилини мақбул тарзда амалга ошириш имконини берувчи таърифлардан бири таклиф қилинган эди: “Матн тилнинг ёзма (оғзаки) турининг стилистик меъёрларига мувофиқ ишлаб чиқилган, сарлавҳага эга бўлган ҳамда ушбу сарлавҳанинг мазмунига нисбатан тугалланган, ўзаро бир-бирига боғланган қисмлардан иборат бўлган ҳамда прагматик кўрсатмага эга ва аниқ бир мақсадга қаратилган маълум асар кўринишидаги тил ҳаракати жараёнининг турғун лаҳзасидан иборат” (Гальперин 1977: 524).

Замонавий нутқ фаолияти назарияси тилшунослик ва матн ҳосил қилиш ҳақидаги фаннинг кенг соҳасини қамраб оларкан, нутқий мулоқот табиатини, унинг шаклларини, нутқ фаолияти ва тафаккур ўртасидаги муносабатларни, нутқий фаолиятни амалга оширишнинг ижтимоий шароитларини, тилнинг тизимлилиги ва белгилардан иборат бўлишини, жамиятда ахборот алмашинуви ва ҳоказоларни ўрганади.

Инсоният томонидан орттирилаётган тажриба ахборот тарзида йиғилиб боради, жамғарилади. Унда халқ хотираси, унинг тарихи ва анъаналари ўз аксини топган (Бушуй 2006: 8). Шу билан бирга, ахборот шахслараро алоқани рағбатлантириб, нутқ ҳосил бўлиш жараёнини тартибга солиб, маълум янгиликни ўз ичида ташийди.

Матн ҳосил қилиш борасида ахборотнинг мазмуни, биринчи навбатда, “хабар эгаси”, хабарнинг объектга муносабати, мазмундорлиги, тўлиқлиги (ҳажми), хабарнинг йўналтирилганлиги, баҳолаш (ўлчов), аҳамияти (қиймати,

¹ Яхшиев Ашур Абдиевич, СамДЧТИ немис тили ва адабиёти кафедраси профессори

аниқлиги, ҳаққонийлиги, етарлилиги ёки тақрибийлиги, ишончлилиги, ҳолислиги ва ҳоказо), тўпланиши, сақлаш, ахборот алмашинуви, ахборот узатиш усуллари каби параметрларда очиб берилади.

Ахборот турли йўналишларга қаратилган мўлжални аниқлаштиришни тақозо этади. Масалан, ахборотни мазмуний-далилли ва мазмуний-концептуал турларга ажратиш. Мазмуний-далилли ахборот воқеалар баёнини, ҳикоя қилиш, мулоҳазалар, диалоглар ва мулоқотнинг бошқа шакллари бирлаштиради. Бунда фойдаланиладиган лисоний воситалар асосан доминант (ҳоким) фикрни тўлиқроқ, ва тушунарлироқ, аниқроқ етказиб беришига ҳамда адресатдан исталган жавобни олишга қаратилган. Мазмуний-далилли ахборот тилнинг барча функционал услубларида учрайди, бироқ, илмий матнларда эга ўз идеал шаклига анча яқинлашади.

Мазмуний-далилли ахборотдан фарқли ўлароқ, мазмуний-концептуал ахборот билвосита тарзда (мазмуний-далилли ахборот орқали) аниқланади. Ахборотнинг мазкур иккала турини таққослаб, парадигматика ва синтагматиканинг ўзаро муносабатини шартли равишда тасаввур қилишимиз мумкин. Мазмуний-далилли ахборот одатда тизимли бўлиб, унинг ҳаракати тадрижий равишда замон ва маконда муайянлашган бўлади. Мазмуний-концептуал ахборот эса бутун асарнинг ичига сингиб кетади.

Шундай қилиб, ҳар қандай матн икки ўлчамда тасвирланиши мумкин.

Биринчи (горизонтал) ўлчов асос бўлиб, унинг ёрдамида матнни ташкил этувчи гаплар бир-бири билан изчил равишда ўзаро боғланадилар.

Матн иккинчи (вертикал) ўлчовни мужассам этувчи ботиний тузилмага эга. Мазкур тузилма матннинг алоҳида олинган ҳар қандай тури учун ўзига хос бўлган ҳолда намоён бўлади. Мукамал структура матнни парчаларга ажратади. Матннинг у ёки бу турга мансублигини (мисол учун, наср, драма ва ҳоказо) ушбу парчаларнинг тартиби ва ўзаро боғлашни усули аниқлайди. Қисмларнинг боғланиши эса махсус иборалар орқали амалга оширилади (мисол учун *Das ist ein Ereignis!* «Бу бутун бир ҳодиса-ку!» ва бошқалар).

Матн интеграллашган бирлик бўлиб (яъни алоҳида қисмларнинг ўзаро бўйсунуви натижаси), уни: 1) квантитатив-прагматик (қиёсланг: романни жилд, қисм, бобларга ажратиш ва бошқалар) ҳамда 2) квалитатив-бўлинган (қиёсланг, оддий хабар, баён, ҳикоя, суҳбат, тасвирлаш каби нутқ яратиш акти шакллари) каби турларга ажратса бўлади.

Матннинг қисмларга бўлиниши биринчи навбатда хабарнинг замон, макон, образли, мантиқий ва бошқа алоқаларининг табиатини, хусусиятини англаш мақсадида парчаларни алоҳида тасаввур этиш имконини беради.

Биринчи ҳолатда бўлинишнинг прагматик асоси яққол сезиларли бўлса, иккинчи ҳолатда эса, субъектив билишга оид асосни кузатишимиз мумкин. Яхлит ҳолда келтирилган матн интеграллашган бирлик сифатида ҳар қандай таркибий қисмнинг аъзоси бўлиб шаклланади.

Шундай қилиб, нутқий (сўз орқали ифодаланган) хабарнинг узатилиши авваламбор турли матнлар вужудга келтиришга, у ёки бу аниқликка эга бўлган матнлар ҳосил бўлишига (расмийлаштиришда, қайта тиклашда, ишлов беришда, таржима қилишда ва ҳоказо) қаратилган.

Шунга мос равишда хабарни қабул қилиш англашнинг ҳар хил даража нуқтаи назаридан тартибга солинади. Айтайлик, нутқий актнинг мақсади тил функцияларидан келиб чиқиб, мисол учун ифоданинг ҳар хил вазифаларидан, турли-туман тасаввурлар-намойишлар, ундовлар-даъватлар ва бошқалардан, ҳамда адресант, адресат, хабар, контекст,

референт, код ва контактга кўра белгиланадиган вазифалардан келиб чиқади.

Кўриниб турибдики, нутқий фаолият биринчи навбатда ахборотни узатишда, унинг қайта ташкил этилиши, белгилар ва семаларни ўз ичига олиши, мантикий ва ҳиссий мутаносибликларнинг фаоллаштирган ҳолда нутқий хабарларни қабул қилишдан иборат.

Ахборотни нутқ орқали узатиш эса матн ҳосил қилишда амалга ошади. Бу жиҳатдан амалиётда қабул қилинаётган ахборотни тушунишдаги иккиланишлар қайд этилади, узатиладиган ва қабул қилинаётган материалнинг етарли даражада мувофиқлиги кўп ҳолларда пресуппозициянинг мажбурий мавжудлиги билан, яъни қабул қилувчи (адресат)нинг муайян мазмунга эга бўлган матнни идрок этишга ҳозирлиги билан белгиланади. Шу сабабдан нутқ фаолиятини баҳолаш параметрини унинг тўғрилиги ва таъсирчанлигини ҳисобга олиш зарур. Фақат ушбу параметрни татбиқ этгандагина нутқ фаолиятининг коммуникатив йўналтирилганлигини мураккаб меъёрга рўёбга чиқарса бўлади.

Ахборотни қабул қилувчида муайян қабул қилувчанликдан ташқари, биринчи галда тақдим этилаётган ахборотнинг таъсирчанлигига эришишга йўналтирилган ҳолда матннинг сўз таркиби ва унинг стилистик безакларининг шакллантирилиши муҳим ҳисобланади.

Нутқ фаолияти коммуникатив, семиотик ва бошқа жабҳаларда амалга оширилган ҳолда алоҳида нутқий актларга бориб тақалади. Мазкур актлар нутқ фаолияти қурилишининг схема (= моделлар) типологиясида тизимли равишда бир-бирини тақозо этади. Улар бир пайтнинг ўзида бир нечта мақсадни амалга оширишга йўналтирилганлиги билан фарқланади. Ушбу мақсадлардан биттаси ўзининг махсус ахборот-билиш аҳамияти, мазмун жиҳатдан устунлиги билан ажралиб туриши мумкин.

Намунали нутқий актлар мақсадларининг хилма-хиллиги ва мураккаблиги адресант (сўзловчи) ва адресатнинг (тингловчи) мавқеини ҳисобга олишни талаб этади. Боз устига, уларнинг мақсадлари кўпинча қарама-қарши қўйилган бўлиб, умумий изчилликда, кетма-кетликда ташкил этилади: хабар йўллаш – адресант учун, ахборот олиш – адресат учун.

Матн ҳосил бўлиши, ахборотни матн билан кодлаштириш ва уни кодини топиш, яъни матнни, фикрни тушуниш учун матн хабар тузилмасининг қўйидаги уч таркибий қисми аҳамиятлидир (интеграллашган назариядан келиб чиққан ҳолда (= “матн тузилмаси – муҳит, олам тузилмаси” назарияси): 1) дескриптив таркибий қисм (яъни, баён этиладиган ҳодисанинг бир хил тасвирланиши); 2) муайян муҳитни ташкил этувчи таркибий қисм (мулоқот иштирокчиларининг хабарга нисбатан фикрларини белгиловчи); 3) хабар берувчи таркибий қисм.

Хуллас, олам манзараси лисоний бирликлар воситасида матн орқали намойиш қилинади. Бундан ташқари, матн пайдо бўлишида қўйидаги жиҳатлар фарқланади: 1) фаолият, ҳодиса ёки ҳолат ҳисобга олиниб: Кимдир ҳолатнинг ўзгаришини йўналтиради/йўналтирмайди. Ҳолат маълум шахс ёки объект томонидан ишлаб чиқарилган фаолият ёки бирор киши билан содир бўлаётган ҳодиса натижасида ўзгариши мумкин; 2) узлуксиз бўлмаган ва дискрет узлуксиз давом этадиган ҳодисалар – давомий, бир лаҳзали ёки мунтазам, даврий, нодаврий, номунтазам ва бошқалар.

Нутқий фаолият лингвистик моҳиятининг умумий тавсифи тилда ахборот ва унинг коммуникатив актуаллашиши тамойилларининг сақланиш

муносабатларини талқин этишга олиб келади, шунингдек, нутқ фаолиятининг белгили-семиотик жиҳатдан ва коммуникатив фаоллигининг, мулоқот моделларининг, уларнинг айрим нутқ акт (ҳодиса)лари ўзига хослигининг ўзаро бир-бирини тақозо этишини таъминлайди ҳамда матн ва луғатнинг ўзаро бир-бирини тўлдиришида намоён бўлади.

Айнан шу зайл бевосита табиий тил аломатлари пайқалади, очиб берилади. Бундай ҳолда мулоҳазалар, ҳаёлий тажрибалар, тажрибани тўплаш ва узатиш табиий тилнинг ўзига хослигини белгилайди. Бунда унинг оғзаки ва ёзма шаклдаги матнга хос коммуникатив табиатининг мазмуни катта аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, оғзаки ва ёзма нутқ мулоқоти ўртасидаги фарқ қўйидагидан иборат: мулоқотнинг оғзаки шакли бевосита ва субъектлив бўлиб, яъни мулоқотнинг воситачисига тўғридан-тўғри қўшимча объектга эга.

Шунингдек, оғзаки нутқ мулоқоти қайд қилинмаган ҳолда, иложи борича диалогик (икки йўналишли, симметрик) бўлиб, динамик ахборотга асосланади. Ёзма шакл эса қайд этилган монологик, диахроник бўлиб, унда ахборотни узатиш ва идрок этиш замон ва маконда амалга оширилади.

Матн тури услубининг таҳлили унинг тегишли ўзига хос таркибий қисмларини аниқламасдан етарли даражада ишонарли ва самарали бўла олмайди. Ушбу таркибий қисмлардан бадиий адабий асарни лисоний расмийлаштириш ҳамда тузилишга оид қурилишдаги ўта муҳим компонентлар тушунилади. Мазкур қисмларсиз бадиий асар ўз яхлитлигини ҳамда ўзига хослигини йўқотади. Бундай ўзига хос муҳим элементлар лингвостилистик воситаларнинг яхлит тизимини ташкил қилади.

Матн лингвистик таҳлилининг муҳим муаммоларидан бири матн ҳосил қилувчи омиларни ва матн ичидаги боғлиқликларни излаб топишдан иборат. Ш. Сафаровнинг фикрича, мазкур ҳолат матн лингвистикасининг энг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади (Сафаров 2006: 59).

Мазкур муаммони лингвостилистиканинг фаол иштирокисиз ҳал этиб бўлмайди. Ш.Сафаровнинг фикрига кўра, матн ичидаги алоқаларни тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бу ҳол матн қурилиши (тузилиши)нинг тўғрилигини инобатга олишни назарда тутати, чунки, В.Дресслер фикрича (Dressler 2003: 135), унинг яхлитлигининг семантик боғланиши (когерентлиги) айнан ушбу ҳолат билан боғлиқ.

Матн яхлитлигининг асосий мезони сифатида асарнинг композицион тузилишидан фойдаланилган. Лингвостилистик жиҳатдан бундай ёндашувнинг тўғрилиги, ҳаққонийлиги Э.Г.Ризель томонидан асослаб берилган (Ризель 1975: 9). Олиманинг талқин қилишича, композиция (бадиий асарнинг қурилиши) яхлит тузилишнинг моддий тарзда лисоний-стилистик шаклда амалга ошириладиган мазмуний ва шаклий таркибий қисмларнинг диалектик бирлигидан иборат. Ушбу мезоннинг таркибий қисмлари матннинг мазмундор лисоний ташкил этилиши, унинг хатбошилар, боблар, қисмлар каби қурилиш birlikларига бўлиниши, ажратилиши, ҳамда шунингдек, ҳикоя материални қамраб олиш ва тақдим этиш тури ҳисобланади.

Матннинг семантик тўғрилиги (когерентлиги)ни таҳлил қилишда, биринчи навбатда, матннинг структур-композицион ва лисоний таркибий қисмларидан фойдаланиш лозим.

Композицион қурилиш бутунлиги матнни туташтирувчи рамка орқали амалга оширилиб, мазмуний-лисоний бутунлик эса бутун ҳикоя

манзарасининг ич-ичига сингиб кетувчи, асосий ғояни ифодаловчи сўзлар (фразеологик бирликлар)дан фойдаланиш орқали таъминланади. Шундай қилиб, матн узатилаётган ахборотининг энг муҳим манбаи ҳисобланади. Шу боис, ҳозирги замон назарий тилшунослиги матнни, қайта-қайта тадқиқ қилинадиган, яратиладиган, кузатиладиган аниқ лисоний ҳодиса сифатида кўриб чиқади.

Матн нутқ жараёнида юзага келади, яъни матн концептуал жиҳатдан шартланган (концепт ёки ғоя мавжуд) ҳамда коммуникатив нуқтаи назаридан муайян мақсадга қаратилган хабар-мазмунга ва прагматик моҳиятга эга бўлган нутқий асар ҳисобланади. Матн ҳосил бўлишининг асосий қуроли тилдир, яъни кибернетик қурилмалар мажмуаси каби ишлашда муайян натижаларни берувчи, ахборотни нутқий шаклга, яъни матнга айлантирувчи мавҳум тузилма ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, бу билан хабарни тилдаги тегишли код орқали сўзлар шаклига келтириш жараёни амалга оширилади.

Нутқ фаолияти жараёнида тилнинг энг муҳим маъноли бирликларига қаратилган икки ёндашувнинг доимий ўзаро таъсири амалга оширилади. Сўзловчи ифодаланган мазмунга мос келувчи тил бирликларини танлайди. Тингловчи қабул қилинган товуш занжирининг семантикасини белгилаши, тил бирликларининг тизимли маъносини очиб бериши, уларнинг семасиологиясини аниқлаши ва аниқ вазият (референт) билан ўзаро муносабатини аниқламоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Бушуй А.М. Принципы лингвистического структурирования речевого высказывания // *Nutq lingvistikasi*. - Samarqand: Sam DCHTI, 2006. - С. 8 - 12.
- [2]. Гальперин И.Р. Грамматические категории текста. (Опыт обобщения)// *Известия АН. Серия литературы и языка*. - М., 1977. -Т.36, вып. 6. - С. 522-532.
- [3]. Ризель Э.Г. К вопросу об иерархии стилистических систем и основных текстологических единиц // *Иностранные языки в школе*. - М., 1975. -№ 5. - С. 8-15.
- [4]. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. - Жиззах: Сангзор, 2006. - 89 с.
- [5]. Dressler W. *Einführung in die Textlinguistik*. - Tübingen, 2003. - 494 S.